

12-1-2019

THE ACTUAL ISSUES OF ATTRACTION “LONG MONEY” TO COMMERCIAL BANKS

O. Khamrayev

Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Khamrayev, O. (2019) "THE ACTUAL ISSUES OF ATTRACTION “LONG MONEY” TO COMMERCIAL BANKS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 6 , Article 10.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss6/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE ACTUAL ISSUES OF ATTRACTION “LONG MONEY” TO COMMERCIAL BANKS

The article reveals from a scientific point of view the economic content and meaning of “long money”, as well as identifies the problems of producers of “long money” and the current state and develops ways to solve them. In addition, a comparative analysis of the state of the long-term financial resources of domestic commercial banks was carried out, based on foreign experience, the urgent problems of attracting “long money” by banks were identified, and recommendations were developed to solve them.

Keywords: Central Bank, commercial banks, investment banks, insurance companies, “long money”.

The economic essence, importance and sources of “long money” have not been adequately explored in the local economic literature, so it is natural to ask the financial institutions, that is, what sources of “long money” can be used in commercial banks. Because, as we have already mentioned, the sources of financial resources of commercial banks and their financial institutions are not sufficiently studied by local scientists and experts.

In addition, the positive impact of a number of objective and subjective issues should be ensured in the formation and increase of the “long money” in commercial banks. This, of course, requires a certain amount of time, financial and economic policies, as well as a steady increase in the country's solvency. In addition, the organization and development of activities of financial entities that “producer” of long term money and offer “long money” in the economy is important.

In the local economic literature, some problematic considerations are about the “long money”. This is because until now, financial institutions, in particular, commercial banks, have been used as “long-term funds” of sustainable resource resources. However, in the developed countries, even in the Russian economic literature, which is experiencing a market economy, the use of economic terms in the form of “long money” in relation to long-term investments in financial institutions is considered as natural.

Thus, “long money” means funds held in financial institutions’ resources for a period of three, five, and more than ten years. If you look at the potential of the “long money” for the development of the national economy, the results are immeasurable. In particular, according to international financial experts and experts, it is expedient that the share of “long money” in the economy should be 25-30% of the country's GDP. This criterion will facilitate the successful modernization of the economy, enterprises and organizations, based on market requirements, increasing their competitiveness, maintaining a positive foreign trade balance and other issues.

The results of the analysis show that a number of socio-economic factors directly and indirectly influence the growth of “long money” in banks. One of the main factors is the development of effective functioning of the securities market in the country, providing 75-80% of the population's demand for consumer goods

through local production, and ensuring a stable level of macroeconomic indicators (inflation, unemployment, average wages, etc.).

Formation of “long money” in the banking system of Uzbekistan remains one of the most urgent issues, in particular, as of January 1, 2019, the share of deposits in commercial banks' liabilities made up 32.7%, more than 93.5% of total loans issued by banks are long term loans. However, 70% of attracted deposits are short-term borrowings, which means that the attraction of “long money” to banks in our country is very important.

The high share of demand deposits in the structure of deposit funds of commercial banks and the weakness of the deposit base indicate their long-term resource base. All of this is explained by the fact that in practice there are a number of controversies related to the fulfillment of obligations of commercial banks. Particularly, there is a shortage of funds in correspondent accounts, the problems of meeting the customers' demand for cash, and the need for resources needed to fund effective projects.

It is well-known that one of the most important sources of long-term resources in the resources of commercial banks is non-deposit funds. International practice shows that commercial banks have widely used non-deposit sources in resource formation. High or low volume of these resources in the structure of banking resources directly and indirectly affects the level of development of the securities market in the country.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРГА “УЗУН ПУЛЛАР”НИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада “узун пуллар”нинг иқтисодий мазмуни ва аҳмияти илмий жиҳатдан очиб берилган, шунингдек “узун пуллар”ни “ишлаб чиқарувчи” субъектлар ва уларда мазкур масаланинг ҳолати ҳамда улар билан боғлиқ муаммолар аниқланган ва ечимлари ишлаб чиқилган. Бундан ташқари мамлакатимиз тижорат банкларида узоқ муддатли молиявий ресурсларнинг ҳолати хориж тажрибасига қиёсланиб таҳлил қилинган ҳамда банкларга “узун пуллар”ни жалб қилишдаги долзарб масалалар аниқланиб уларнинг ечимлари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Марказий банк, тижорат банк, инвестицион банк, суғурта компанияси, “узун пуллар”.

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ “ДЛИННЫХ ДЕНЕГ” КОММЕРЧЕСКИМ БАНКАМ

В статье раскрыто с научной точки зрения экономическое содержание и значение «длинных денег», а также определены проблемы субъектов-производителей «длинных денег» и нынешнее состояние и разработаны пути их решения. Кроме этого проведён сравнительный анализ состояния долгосрочных финансовых ресурсов отечественных коммерческих банков, основанный на зарубежном опыте, определены актуальные проблемы привлечения «длинных денег» банками и разработаны рекомендации по их решению.

Ключевые слова: Центральный банк, коммерческие банки, инвестиционные банки, страховые компании, «длинные деньги».

КИРИШ

Маҳаллий иқтисодий адабиётларда “узун пуллар” хусусида сўз кетганда айрим мулоҳазали фикрларни кузатиш мумкин. Чунки, ҳозирги кунгача молиявий муассасалар, хусусан тижорат банклари барқарор ресурс маблағлари “узоқ муддатли маблағлари” сифатида юритиб келинади. Ваҳоланки, ривожланган мамлакатларда, ҳатто бозор иқтисодиёти даврини бошидан кечираётган Россия иқтисодий адабиётларида ҳам молия муассасаларига узоқ муддатга жойлаштирилган маблағларга нисбатан “узун пуллар” тарзидаги иқтисодий терминни қўлланилиши табиий-иқтисодий ҳолат сифатида қабул қилинади.

Демак, “узун пуллар” деганда молиявий муассасалар ресурслари таркибидаги муддати жиҳатидан уч, беш ва ўн йилдан ортиқ муддатга сақланадиган маблағлар назарда тутилади. Агар, “узун пуллар”ни миллий иқтисодиётнинг ривожлантириш имкониятларига эътибор қаратадиган бўлсак,

унинг натижалари жуда бекиёсдир. Хусусан, халқаро молиявий экспертлар ва мутахассисларнинг фикрига кўра, иқтисодиётда “узун пуллар”нинг улуши мамлакат ЯИМга нисбатан 25 - 30 % ни ташкил этиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади[1]. Ушбу мезон таъминланган иқтисодиётда, корхона ва ташкилотлар фаолиятини бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда доимий модернизациялаш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, мамлакат ташқи савдо балансини ижобий қолдиғини таъминлаш ва бошқа шу каби масалалар ўзининг ижобий ечимини топишига хизмат қилади.

Ўзбекистон банк тизимида “узун пуллар”ни шакллантириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда, хусусан 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари пасивлари таркибида депозитларнинг улуши 32,7 фоизни ташкил этиб, банклар томонидан берилган жами кредитнинг 93,5 фоиздан ортиғи узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ) кредитлар ҳисобланади. Бироқ, жалб қилинган депозитларнинг 70 фоизи қисқа муддатга жалб қилинган маблағлар ҳисобланади, бундан кўриниб турибдики мамлакатимиз банкларига “узун пуллар”ни жалб қилиш ўта долзарб масалалардан ҳисобланади[2].

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Маҳаллий иқтисодий адабиётларда “узун пуллар”нинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва манбалари етарли даражада ўрганилмаган, шу боис ҳам молия муассасаларга яъни, тижорат банкларида “узун пуллар” қандай манбалар ҳисобидан жалб этиш мумкин деган ўринли савол қўйилиши табиийдир. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек тижорат банкларининг мазкур молиявий ресурслар манбаси, уларни шакллантирувчи молиявий муассасалар маҳаллий олимлар ва мутахассислар томонидан етарли равишда ўрганилмаган.

Бундан ташқари, тижорат банкларида “узун пуллар”ни шакллантириш ва ҳажмини оширишга қатор объектив ва субъектив масалаларнинг ижобий таъсири таъминланиши лозим. Бу албатта, муайян вақт, молиявий-иқтисодий сиёсат, қолаверса мамлакат аҳолисининг тўлов қобилиятини барқарор ошиб боришини талаб қилади. Бундан ташқари, иқтисодиётда “узун пуллар”ни “ишлаб чиқарувчи” ва таклиф этувчи молиявий субъектлар фаолиятини ташкил этиш ва ривожланиши муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро банк-молия амалиётидан маълумки, мазкур молиявий ресурсларни, яъни “узун пуллар”ни “ишлаб чиқарувчи” молиявий муассасалар қуйидаги расмда келтирилган.



1-расм. “Узун пуллар”ни шакллантирувчи молиявий муассасалар¹

1-расмдан кўриниб турибдики, “узун пуллар”ни “ишлаб чиқарувчи” молиявий муассасалар таркибида банк тизими, суғурта компаниялари ва жамғариб бориладиган пенсия фондлари ўрин олган. Бироқ, таъкидлаш жоизки, улар “узун пуллар”ни “ишлаб чиқиш”да турлича ваколат ва имкониятга эга бўлиш билан бирга, мамлакат пул массасини ошириш ёки камайтиришга бевосита ва билвосита таъсир қилиши мумкин, шунингдек улар томонидан яратилган “узун пуллар”нинг иқтисодиётга таъсири жиҳатидан ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Масалан, Марказий банк бевосита “узун пуллар”ни яратмасда иқтисодиётда пул массасини оширишга бевосита таъсир қилувчи ва “узун пуллар”нинг асосини яратувчи монопол молиявий муассаса ҳисобланади, Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган пуллар иқтисодиётдаги товар массасига нисбатан ҳаддан зиёд ортиб кетиши баҳоларнинг ошишига олиб келиш билан бирга, миллий валютанинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади ва инфляция даражасининг кучайишига сабаб бўлади.

¹ Муаллиф томонидан тузилган

Тижорат банклари мамлакатда “узун пуллар”ни пул мультипликатори орқали шакллантирувчи йирик молиявий муассасалар ҳисобланади. 1-расмда келтирилган бошқа молиявий муассасалардан фарқли ўлароқ тижорат банклари, суғурта компаниялари, инвестицион банклар ва жамғариб бориладиган пенсия фондлари томонидан таклиф этилаётган “узун пуллар” иқтисодиётнинг реал секторига жойлаштирувчи ўзига хос муҳим тижорат ташкилоти ҳисобланади. Тижорат банклари мазкур субъектларнинг узоқ муддатга мўлжалланган пул маблағларини нафақат иқтисодиётнинг реал секторига жойлаштириш, балки ўзлари ҳам қимматли қоғозларни эмиссияси ҳисобига йирик миқдорда узоқ муддатли молиявий ресурсларни шакллантириш имкониятига эгадир.

Иқтисодий назариялар таълимотида узоқ муддатли молиявий ресурслар классик ва неоклассик мактаб вакиллари (Ф.Кенэ, А.Смит, Д.Рикардо, Т.Мальтус, А.Маршалл, Ж.С.Милл, Ж.Сэй, Л.Вальрас, В.Парето ва бошқалар) томонидан “инвестиция”, “жамғарма”, “капитал” тадқиқот объекти ва миллий иқтисодиётнинг ҳаракатга келтирувчи муҳим иқтисодий механизм сифатида ўрганилган, уларнинг асосийлари билан атрофлича танишиб чиқамиз.

А.Смит, Д.Рикардо ва Т.Мальтуслар миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда муддати жиҳатидан узун пулларга, яъни капитал хусусидаги таълимотида мамлакатда иқтисодий ўсиш авваламбор капитални жамғарилиш суратларига боғлиқ равишда амалга оширилишини таъкидлашади. Бунда асосий икки омил яъни, миқдорий ўсиш ва инвестицион ресурсларнинг сифати алоҳида аҳамият касб этишини эътироф этишган. Инвестиция оқимининг даражаси биринчи навбатда ишлаб чиқариш фаолиятидан олинadиган фойдага, иккинчидан эса жамғарма ҳажмига, яъни капитал қўйилма манбасига боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар[3].

Шунингдек, классик мактаб вакиллари илмий қарашларида “капитал – ишлаб чиқаришнинг муҳим омили, уни амал қилиш муддати эса ривожланишни белгилайди”[4]. Демак, ушбу ғоя, Марказий банк ва тижорат банкларида ресурсларни узоқ муддатга жойлаштириш иқтисодиётни ривожланиши учун фойдалилиги хусусида фикрни шакллантиришга хизмат қилади, чунки бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётдаги узоқ муддатли молиявий ресурсларни банк тизими орқали самарали жойлаштирилиши миллий валютанинг барқарорлигини ва банкларнинг ликвидлилик даражасини ортишига олиб келади.

Иқтисодий назарияда молиявий ресурслар, капитал ва инвестицияга оид иқтисодий муносабатлар Альфред Маршалл (1842-1924) таълимотида ҳам тегишли даражада баён этилган. Унинг фикрича, молия бозорида иккита катта гуруҳ – молиявий ресурсларга эҳтиёжи мавжуд субъектлар, яъни узоқ муддатли ресурсларни тегишли тўлов асосида ўзлаштирувчилар ва молиявий бозор таклифини шакллантирувчилар, яъни молиявий муассасалар бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият юритади[5].

Ж.С.Милль (1806-1873) классик мактаб вакиллари иқтисодий капитал ва инвестициялар ҳақидаги ғояларини яқунлади “Сиёсий иқтисоднинг асослари ва

унинг ижтимоий философияга ўтриладиган баъзи жиҳатлари” (1848) асарида бозор мувозанатини таъминлашда пулнинг “нейтраллиги” концепциясини яратди[6]. Ж.Кейнс ва унинг давомчилари классиклар мактабининг вакили Ж.С.Миллнинг пулнинг “нейтраллиги” ҳақидаги назариясига шубҳа билан қараб, пул реал ишлаб чиқаришга нисбатан нейтраллиги ҳақидаги ғоясига эътироз билдирди. Кейнсчилар бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бири – пулнинг интеграциялашуви ва реал ўзгармаслиги ҳақидаги ғояни илгари сурди. Кейнсчиларнинг ушбу назарияси кейинчалик монетаристлар томонидан ижодий ривожлантирилди.

Ж.Б.Сэй “айнан ишлаб чиқариш маҳсулотларни жойлаштириш бозорларини вужудга келтиради”, деб таъкидлаган эди. Унинг назарий ғоясига кўра, маҳсулотлар таклифи доимий равишда уларга бўлган талабни шакллантиради, модомики, ишлаб чиқарувчи маҳсулотини бозорда айирбошлаши натижасида топган восита (қиймат)ни тўлиғича бошқа товарларни олишга сарфлайди[7].

Ж.Б.Сэйнинг ушбу ғоясини кенгроқ таҳлил қиладиган бўлсак, бу жараён тўлиғича иқтисодиётдаги молиявий ресурслар ёрдамида амалга оширилади. Ушбу жараённинг самарали ва узлуксиз амал қилиши учун етарли даражада молиявий ресурслар мавжуд бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида ушбу маблағлар молиявий муассасалар орқали, янаам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, тижорат банклари томонидан иқтисодиётга йўналтирилади.

Шу жиҳатдан, Ж.Б.Сэйнинг иқтисодий таълимотида молиявий ресурслар бозор иқтисодиёти, ҳатто иқтисодиётни марказдан режалаштириш шароитида ҳам ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги товар-пул муносабатларининг қатъиян мавжудлигини заруриятга айлантиради деган фикрда, банклар доимий ва узлуксиз равишда узоқ муддатли молиявий ресурсларга кучли эҳтиёж сезади.

Неоклассик-иқтисодчилар жамғарманинг инвестиция ($S=I$) кўринишини олиши учун капитал бозорида талаб ва таклиф барқарорлиги фоиз ставкасига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлаб, бу банкларда молиявий маблағлар ҳажми ортиб боришига олиб келади деган хулосага келишган. Агар жамғарма (капиталнинг таклифи) ҳажми мўлжалланган инвестиция қилиш ҳажмидан кам бўлса, натижада фоиз ставкаси ошади, бунинг оқибатида инвестицияга бўлган талаб камаяди, жамғармага нисбатан таклиф эса ортади[8].

Неоклассик мактаб вакилларидан фарқли ўлароқ, Ж.Кейнс бозор иқтисодиёти шароитида даромад ва харажатларнинг ўсиши инвестиция ҳажми ҳам шу даражада ўсади деган хулосани чиқариш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлайди. Бунинг боиси, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар жамғарма ва инвестиция ҳақидаги қарорларни доимо ҳам бир хил тарзда қабул қилмаслигини таъкидлайди.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банклари узун маблағлари, неоклассик мактаб вакиллари таъкидлаганидек, фақат аҳолининг жамғармалари ҳисобидан эмас, балки мамлакатдаги давлат ва нодавлат пенсия фондлари, инвестицион

фондлар, суғурта компанияларининг молиявий маблағлари алоҳида аҳамият касб этади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, банкларда “узун пуллари” ҳажмини оширишга қатор ижтимоий-иқтисодий омиллар бевосита ва билвосита таъсир қилади. Шундай омилларнинг асосийлари сифатида мамлакатда қимматли қоғозлар бозорини самарали фаолиятини ривожлантириш, аҳолининг истеъмол товарларга бўлган талабининг 75-80 фоизини маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобидан таъминлаш, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг (инфляция, ишсизлик, ўртача иш ҳақи ва б.) реал даражадаги барқарор ҳолатини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Қуйидаги жадвалда иқтисодий жиҳатдан ривожланган АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой ва Япония мамлакатларининг банк ресурслари манбаларининг таркиби ва динамикаси ҳақида маълумотлар келтирилган.



2-расм. Айрим ривожланган мамлакатлар банк тизими ресурслари таркибида узоқ муддатли маблағларнинг улуши[9], (жамига нисбатан фоизда, 1 январь ҳолатига).

2-расмда ривожланган АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой ва Япония мамлакатлари банклари ресурслари таркибида узоқ муддатли (муддатли ва жамғарма депозитлари) маблағларнинг улуши ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики, 2015 йил 1 январда АҚШ банклари ресурслари таркибидаги узоқ муддатли ресурслар улуши 65,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йил 1 январга келиб ушбу кўрсаткич 67,1 фоизни ёки таҳлил этилаётган даврда 1,9 пунктга ортганлигини кўршимиз мумкин.

Буюк Британия ва Германия банклари ресурслари таркибида узоқ муддатли ресурсларнинг улуши ҳам нисбатан юқори бўлиб, 2-расмда келтирилган мамлакатлар ичида иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Тадқиқ этилаётган даврда ушбу мамлакатлар банкларининг ресурслари таркибида узоқ муддатли маблағларнинг улуши 50-53 фоиздан иборат бўлган.

2-расмда Хитой Халқ Республикаси банклари ресурслари таркибида узоқ муддатли маблағларнинг улуши нисбатан юқори даражада эканлигини

кўришимиз мумкин. Масалан, ушбу кўрсаткич 2015 йил 1 январь ҳолатига қарийиб 45 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йил 1 январь ҳолатига 60,0 фоизга етган.

Шуни таъкидлаш жоизки, МДҲга аъзо мамлакатларда узоқ муддатли молиявий ресурсларни “ишлаб чиқувчи” молиявий муассасалар фаолияти етарли даражада ривожланмаган, иккинчидан, тижорат банкларида узоқ муддатли ресурсларни шакллантириш борасида етарли тажриба ва стратегик режалари мавжуд эмас, учинчидан, мамлакатда қимматли қоғозлар бозори жуда заиф ҳолатда. Буларнинг барчаси ушбу мамлакатлар банк тизимида “узун пуллар” ҳажми нисбатан паст даражада қолишига сабаб бўлмоқда.

Қуйидаги расмда ўтиш жараёнидаги Россия, Қозоғистон, Украина ва Белоруссия мамлакатлари банк тизими ресурслари таркибида узоқ муддатли молиявий маблағлар ҳажми ва динамикаси ҳақидаги маълумотлар келтирилган.




3-расм. Айрим МДҲга аъзо мамлакатлар банк тизими ресурслари таркибида узоқ муддатли маблағлар улуши[10], (жамига нисбатан фоизда, 1 январь ҳолатига)

3-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Россия, Қозоғистон, Украина ва Белоруссия мамлакатлари банк ресурслари таркибида узоқ муддатли маблағлар улуши ривожланган мамлакатларнинг банк тизимига нисбатан анчагина паст даражани ташкил этади. Масалан, 2015 йил 1 январь ҳолатига Россия банклари ресурслари таркибида узоқ муддатли маблағларнинг улуши 50 фоиздан юқори бўлган бўлса, Белоруссияда 46 фоиз атрофида, Қозоғистонда 50 фоиз, Украинада эса 50 фоиздан паст даражада бўлган.

Узоқ муддатли маблағлар улуши таҳлил қилинаётган даврнинг 2019 йил 1 январь ҳолатига таҳлил этилаётган барча мамлакатлар банк тизимида узоқ муддатли маблағлар ҳажми 2015 йил 1 январь ҳолатига нисбатан ошиш тенденциясига эга бўлган.

Мамлакатимизда “узун пуллар”ни шакллантиришда қатор долзарб масалалар мавжуд бўлиб, бу борада қимматли қоғозлар бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги, нодавлат пенсия фондларининг мавжуд эмаслиги, шунингдек суғурта ташкилотлари молиявий маблағлари ҳажми сезиларсиз даражада эканлиги бунга мисол бўлади. Айни пайтда тижорат банклари “узун пуллар”ни шакллантиришда асосан депозитларга таянган

бўлиб, бу манба ҳам етарли даражада деб айта олмаймиз. Қуйидаги расмда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитли ресурс манбаларининг таркиби ва динамикасини таҳлил қиламиз.



4-расм. Тижорат банклари депозит маблағларининг таркиби ва динамикаси, (фоиз ҳисобида, 1 январь ҳолатига)[11].

4-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банклари депозит маблағлари таркибида муддатсиз депозитлар улуши асосий ўринни эгаллайди. Ушбу кўрсаткич 2015 йил 1 январь ҳолатига жами депозит маблағларнинг 61 фоизини ташкил этгани ҳолда, 2019 йил 1 январь ҳолатига ушбу молиявий манбанинг улуши пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Тижорат банклари депозит маблағлари таркибида талаб қилиб олинганча сақланадиган маблағлар (муддатсиз депозитлар) улушининг юқорилиги ва депозит базасининг заифлиги, уларнинг узоқ муддатли ресурс базасида муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Буларнинг барчаси амалиётда тижорат банклари мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ қатор зиддиятли ҳолатларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Хусусан, вакиллик ҳисобварақларида маблағлар тақчиллиги, мижозларнинг нақд пулларга бўлган талабини қондиришда, самарали лойиҳаларни молиялаштириш учун зарур бўлган ресурсларга эҳтиёжини қондиришдаги мавжуд муаммолар шулар жумласидандир.

Маълумки, тижорат банклари ресурслари таркибида узоқ муддатли ресурсларни шакллантиришнинг муҳим манбаларидан бири банкларнинг депозит бўлмаган маблағлари ҳисобланади. Халқаро амалиётдан маълумки, тижорат банклари ресурсларни шакллантиришда депозит бўлмаган манбалардан жуда кенг фойдаланди. Банк ресурслари таркибида ушбу ресурслар ҳажмининг юқори ёки пастлигига мамлакатда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлик даражасига бевосита ва билвосита таъсир қилади. Қуйидаги расмда тижорат банклари ресурслари миқдори ва динамикаси ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

1-жадвал

Ўзбекистон тижорат банклари жами ресурслари таркибида депозит бўлмаган манбаларнинг салмоғи ва динамикаси[12]

(1 январь ҳолатига, фоиз ҳисобида)

№	Маблағларнинг манбалари	Йиллар				
		2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Мажбуриятлар						
I	Депозит маблағлар	58,3	56,2	49,5	40,8	37,3
II	Нодепозит маблағлар, шундан	41,7	43,8	50,5	59,2	62,7
1	Марказий банкнинг ҳисобварақлари	5,6	3,5	0,4	0,4	0,3
2	Бошқа банкларнинг маблағлари	2,3	1,8	5,4	4	3,8
3	Қимматли қоғозлар эмиссияси	0,8	1	0,3	0,1	0
4	Олинган кредитлар	28,1	32,3	35,7	49,9	55,6
5	Бошқа мажбуриятлар	4,9	5,2	8,7	4,8	3
ЖАМИ:		100	100	100	100	100

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, мамлакатимиз банк тизими жалб қилинган ресурслари таркибида депозит маблағлари ҳажми пасайиш тенденциясига эга бўлиб 2015 йил 1 январь ҳолатига 58,3 фоизни ташкил этган бўлса ушбу кўрсаткич 37,3 фоизга ёки таҳлил этилаётган давр ичида 21 пунктга пасайган. Бу ўз навбатида банкларнинг жалб қилинган маблағлари таркибида нодепозит маблағлар улушининг ошишига сабаб бўлган, банкларнинг ушбу ресурс манбаси 2015 йил 1 январь ҳолатига 41,7 фоиздан 2019 йил 1 январь ҳолатига 62,7 фоизга етган.

Тижорат банклари нодепозит маблағлари таркибида асосий улуш олинган кредитлар ҳиссасига тўғри келиб, жалб қилинган ушбу манба, биринчидан нисбатан қиммат ва иккинчидан жалб қилиш даври бир йилдан ортмайди. Бундан ташқари нодепозит маблағлар таркибида қимматли қоғозлар эмиссияси ҳисобидан маблағларни шакллантирилмаслигини ҳам салбий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Чунки, банкларнинг ушбу манбаси хориж банк амалиётида жуда кенг ривожланган бўлиб, тижорат банкларига нафақат молиявий ресурсларни жалб қилиш, балки банкнинг бозордаги имиджи, мижозлар ва ҳамкорлар сонини ортишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Албатта, банкларнинг депозит ва нодепозит маблағлари ўртасидаги нисбатнинг бу даражада ўзгаришига таъсир қилувчи қатор объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Биринчидан, банк тизими бозор тамойиллари ва механизмларининг амал қилмаслиги натижасида кенг кўламли ва самарали рақобатнинг шаклланмаганлиги, иккинчидан тижорат банклари капитали таркибида давлат улушининг юқорилиги, учинчидан Марказий банкнинг қаттиқ пул-кредит сиёсатининг жорий этилганлиги каби омилларни келтириш мумкин.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Тижорат банклари ресурслари таркибида “узун пуллар” ҳажмини ошириш юзасидан амалга оширилган тадқиқотлар, *ўрганишлар ва таҳлиллар қуйидаги хулоса ва таклифларни* шакллантирилди:

– иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида “узун пуллар”нинг, яъни сақланиш муддати камида уч, беш, ўн йил ва ундан юқори муддатга

сақланадиган молиявий ресурслар муҳим аҳамият касб этиб, ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатларда уларнинг улуши мамлакат ЯИМга нисбатан 30-35 фоизни ташкил этади;

– мамлакатда “узун пуллар”ни “ишлаб чиқарувчилар” Марказий банк, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, нодавлат пенсия фондлари ва бошқа молиявий муассасалар ҳисобланади;

– мамлакатимиз тижорат банклари ресурслари таркибида депозит маблағларнинг улуши пасайиш тенденциясига эга бўлиб, бу уларнинг ликвидлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатиш билан бирга, банкларда трансформацион рискларни вужудга келишига сабаб бўлмоқда;

– тижорат банклари ресурслари таркибида узоқ муддатга сақланадиган депозитларнинг улуши жуда паст бўлиб, банклар молиявий ресурсларни қиммат ва бир йилгача муддатга бўлган кредитлар ҳисобидан шакллантирмоқда;

– тижорат банклари ресурслар таркибида депозит маблағларининг улушини пасайишига йўл қўймаслик мақсадга мувофиқ, бунинг учун муддатли депозитларнинг фоиз ставкаларини бозорнинг талаб ва таклифлари асосида белгилаши лозим;

– мамлакатимизда “узун пуллар”ни таклиф этувчи молиявий субъектлар ҳисобланган суғурта ташкилотлари фаолиятини кенгайтириш ва нодавлат пенсия фондлари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи қонунчилик ҳужжатлар асосини яратиш лозим;

– банклар жамғарма депозитларнинг аҳамияти ва афзалликлари хусусида тарғибот ишларини кучайтириш ҳисобига ушбу манбанинг улушини ошириши керак;

– тижорат банклари капитали таркибида давлат улушини минимал даражасига тушириш лозим ва банкларнинг мамлакат молия бозорида инвестицион ва эмитент сифатида фаолиятини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, банкларнинг ресурслари таркибида “узун пуллар”нинг манбалари ва ҳажмини ошириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу масаланинг ижобий ечими банклар капитали таркибида давлат улушини жиддий камайтириш, уларнинг фаолиятини бозор тамойиллари ва механизмлари асосида фаолиятини ташкил этиш зарур, бунинг натижасида нафақат банкларнинг “узун пуллари”нинг ҳажми ортади, балки аҳоли ва миқозларнинг банк тизимига бўлган ишончи ортади ва уларнинг миллий иқтисодиётни кредитлаш имконияти янада ортади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Amit Ghosh. Do bank failures still matter in affecting regional economic activity? Journal of Economics and Business. Volume 90, Pages 1-76 (March–April 2017)

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди www.cbu.uz
3. Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. Стр 58 М: 1994, Жид. Ш, Рист. Ш. История экономических учений. Стр 126, 139 М: 1995
4. Ивашковский С.Н. Макроэкономика. –М.: Дело, 2002, - С. -38.
- 5.Тарануха Ю.В., Земляков Д.Н. Микроэкономика. –М.: Дело и сервис, 2002,- С.28.
6. Милль Ж.С. Указанные сочинения. М.: Прогресс, Т.II. - С.240-241.
7. Сей Ж.Б. Трактат политической экономии. – М.: Прогресс, 1982, - С. 59.
8. Ядгаров Я.С. История экономических учений. –М.: ИНФРА-М,2001, - С.313.
- 9.10.International Financial Statistics IMF.May,2019.
- 11.12.Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг эълон қилган ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.